«T A S D I Q L A N G A N»
O'zbekiston Respublikasi Davlat
Veterinariya Qo'mitasi tomonidan.
Protokol №-12 15.02.2019 yilda.
O'zb.Res. DVQ qoshidagi Veterinariya dori
vositalari, texnik vositalari va normativ
hujjatlar kengashi tomonidan.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИДА ГЕЛМИНТОЗЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН «ГЕЛЬМИНТОЛ» СУСПЕНЗИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР
1.1 Орал қўллаш учун «Гельминтол 8,75%» суспензияси.
1.2 Таъсир қилувчи модда сифатида 1 мл «Гельминтол 8,75%» суспензияси таркибида 50,0 мг альбендазол ва 37,5 мг оксиклозанид мавжуд. Бундан ташқари, препаратнинг таркибига қўшимча компонентлар (қуюқлаштиргичлар, консервантлар, стабиллагичлар) қўшилган.
1.3 Препарат ташқи кўриниши бўйича ўзидан оч сариқдан оч кул ранггача бўлган суспензияни ифодалайди. Препарат сақланганида, чайқатишда йўқ бўлиб кетадиган қатламларга ажралишга йўл қўйилади.
1.4 Препарат 100, 200, 250, 500 ва 1000 ml полимер идишларга қадоқланиб ишлаб чиқарилади.
1.5 Сақлаш шартларига риоя қилинишида препаратни яроқлилик муддати - ишлаб чиқарилган санасидан бошлаб 2 йил. Уни эҳтиёткорлик билан (Б рўйхат) завод қадоғида, ёруғликдан ҳимояланган, қуруқ жойда, +5оС дан +20оС гача ҳароратда озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотларидан алоҳида сақлаш керак.
«Гельминтол 8,75%» суспензиясини болалар қўли етмайдиган жойларда сақлаш керак.

2. ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ
2.1 «Гельминтол 8,75%» суспензияси кенг таъсир қилиш спектридаги комбинацияланган антигелминт препаратлар гуруҳига таълуқлидир.
2.2 Препаратнинг таркибига кирувчи альбендазол жинсий етилган ва етилмаган ошқозон-ичак тракти ва ўпка нематодларига нисбатан, шунингдек жинсий етилган цестодлар ва трематодларга нисбатан фаол. Овоцид таъсирга эга бўлиб, яйловларни гелминтлар билан зарарланишини камайтиради.
Албендазолнинг таъсир қилиш механизми гелминтларни углеводли алмашинувини ва микротубуляр функциясини бузишдан иборат, бу уларни ҳалок бўлишига олиб келади.
2.3 Оксиклозанид, чўчқалар ва кавш қайтарувчи ҳайвонларда паразит бўлиб яшовчи трематодлани, шу жумладан Fasciola spp., Paramphislomum spp., Dicrocoelium lanceatum, шунингдек паррандаларда паразит бўлиб яшовчи Echinostoma revolutum, Prostogonimus ovalus ни ривожланишини барча фазаларига аниқ акс этган трематодоцид таъсирга эга.
Оксиклозанидни таъсир қилиш механизми, фумаратредуктаза ва дегидрогиназа сукцинатларини фаоллигини пасайишидан, трематодларда фосфорилланиш жараёнларини бузилишидан иборат, бу гелминтларни фалажланишига ва ҳалок бўлишига олиб келади.
2.4 Препарат перорал (оғиз орқали) киритилганида оксиклозанид ва альбендазол ошқозон-ичак тизимига тезда сўрилади, органлар ва тўқималарга сингади; организмдан асосан пешоб ва қисман нажаслар билан ўзгармас шаклда ва метаболитлар кўринишида чиқиб кетади.
2.5 «Гельминтол 8,75%» суспензияси организмга таъсир қилиш даражаси бўйича кам хавфли моддаларга таълуқлидир (ГОСТ 12.1.007 бўйича хавфлиликни 4 синфи), тавсия этиладиган дозаларда ҳайвонлар томонидан яхши ўзлаштирилади.

3. ПРЕПАРАТНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ
3.1 «Гельминтол 8,75%» суспензияси нематодозлар, цестодозлар ва трематодозларда йирик шохли моллар, қўй, эчки, чўчқа, товуқ, ғоз ва ўрдакларни гельминтсизлаштириш учун қўлланилади.
3.2 Йирик шохли моллар, қўй ва эчкиларга препарат оғиз орқали, бир маротаба, алоҳида қуйидаги дозаларда қўлланилади:
- ошқозон-ичак трактини нематодозларида (гемонхоз, буностомоз, эзофагостомозы, нематодироз, хабертиоз, кооперциоз, стронгилоидоз, трихостронгилез, трихоцефалез, неоаскариоз), ўпка нематодозаси (диктиокаулез, мюллериоз, цистокаулез) ва цестодозларда (мониезиоз, авителлиноз, тизаниезиоз) ҳайвон тирик вазнини 5 кг га 1 мл дозада;
трематодозларда (фасциолез, дикроцелиоз, эуритремоз ва парамфистоматоз), шунингдек остертагиоз ва протостронгилезда – ҳайвон тирик вазнини 5 кг га 1,25 мл.
3.3 Чўчқаларга нематодозларда (аскаридоз, эзофагостомоз, метастронгилез, трихоцефалез, стронгилоидоз) ва фасциолезда препарат оғиз орқали бир маротаба алоҳида ҳайвон тирик вазнини 5 кг га 1,0 мл дозада қўлланилади.
3.4 Ғоз, ўрдак ва тоқувларга нематодозларда (гангулетеракидоз, аскаридиоз, гетеракидоз), трематодозларда (эхиностоматидоз, простогонимоз) ва цестодозларда (дрепанидотениоз, гименолепидоз, райетиноз) препарат эрталабки озуқалантиришда озуқа билан икки кун кетма-кет алоҳида ёки гуруҳли усул билан (кўпи билан 100 бош) паррандa тирик вазнини 5 кг га 1 мл дозада қўлланилади.
Препарат ҳисобланган дозада, бир бош паррандага 50 г озуқа ҳисобида озуқа билан аралаштирилади.
Қўлланишдан олдин суспензияни яхшилаб чайқатиш керак.
3.5 Алоҳида кўрсатмалар. Ёппасига гельминтсизлантиришдан олдин препаратнинг ҳар бир серияси ҳайвонларнинг кичик гуруҳида (5-10 бош) синовдан ўтказилади. 3 сутка ичида асоратлар мавжуд бўлмаса, препарат барча хайвонларга берилади.
3.6 Ножўя таъсирлар. Ушбу йўриқномага мувофик «Гельминтол 8,75%» суспензиясини қўллашда ножўя таъсирлар ва асоратлар одатда кузатилмайди. Кам ҳолатларда ўз-ўзидан ўтиб кетадиган ва дори воситаларини қўллашни талаб этмайдиган алоҳида реакциялар бўлиши мумкин (сиқилиш ҳолатлари, кучли саливация, диарея).
Препаратини празиквантел, азинокс ва дексаметазон билан биргаликда қўллаш, ҳайвон қонида альбендазол концентрациясини ошиб кетишига олиб келади. «Гельминтол 8,75%» суспензиясини хлорорганик ва фосфорорганик препаратлар билан бир вақтда қўллаш керак эмас.
3.7 Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар. «Гельминтол 8,75%» суспензиясини қўллашга қарши кўрсаткичлар деб препарат компонентларига ҳайвонни алоҳида юқори сезувчанлиги ҳисобланади. Препаратини тухумларда тўпланиши сабабли тухум қўядиган товукларга, касал ва озғин ҳайвонларга, кочириш даврида эркак ва урғочиларга, қўй, эчки ва она чўчқаларга ҳомиладорликни биринчи ярмида ва сигирлар бўғозлигини учдан бирида қўллаш ман этилади.
3.8 Препаратни дозасини ошириб юбориш оқибатида ҳайвонларда анорексия, ошқозон-ичак трактини маторикасини бузилиши, ҳаракатланиш координациясини бузилиши, бўшашишлик кузатилиши мумкин. Бу ҳолатларда препаратини қўллаш тўхтатилади ва симптоматик терапия воситалари қўлланилади.
Препаратни биринчи марта қўллашда ва қўллашдан тўхтатишда уни ўзига хос таъсири хусусиятлари аниқланмаган.
Қишлоқ хўжалик паррандаларини гельминтсизлаштириш муддатларини бузилишини олдини олиш керак, чунки бу терапевтик самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Навбатдаги гельминтсизлаштириш қолдирилган ҳолатларда, препаратини ўша-ўша дозада иложи борича тезроқ юбориш керак.
3.9 Йирик шохли моллар, қўй, эчки ва чўчқаларни дегельминтизациядан сўнг камида 21 суткадан кейин, паррандаларни камида 5 суткадан кейин сўйишга рухсат этилади
Соғиладиган ҳайвонларнинг сути, препарат қўлланилганидан кейин камида 4 суткадан сўнг озиқ-овқат мақсадларида ишлатилиши мумкин.
Ўрнатилган муддатдан олдин мажбурий сўйилган ҳайвонларнинг гўштлари ва кўрсатилган муддатлар тугашигача олинган сут, мўйнали ҳайвонларни озиқлантириш ёки гўшт-суякли ун ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин.

4. ЭҲТИЁТКОРЛИК ЧОРАЛАРИ
4.1 Препарат билан барча ишлар маҳсус кийимларни (халат, бош кийим, резина қўлқоплар) ишлатиш билан амалга ошириш керак.
4.2 Иш вақтида ичиш, чекиш ва таом истеъмол қилиш ман этилади.
4.3 Иш тугаганидан кейин қўлларни совунли иссиқ сувда ювиш; қўлқопларни ювиш ва қуритиш керак.
4.4. Кўзнинг шиллиқ пардалари ёки тери билан препаратни тасодифий контактида уларни кўп миқдордаги сув билан ювиб ташлаш керак. Препарат компонентларига гиперсезувчанликка эга бўлган инсонларга, улар билан тўғридан-тўғри контактда бўлишдан сақланиш керак. Аллергик реакциялар ҳосил бўлган ҳолатларда ёки препарат инсон организмига тасодифий тушган ҳолатларда тиббиёт муассасига дарров мурожаат қилиш керак (ёнида препаратни қўллаш бўйича қўлланма ёки этикетка бўлиши керак).
4.5 Препаратининг бўш идишини маиший мақсадлар учун ишлатиш ман этилади, у маиший чиқиндилар билан утилизация қилинишга яроқлидир.

5. РЕКЛАМАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ
5.1 Препарат қўлланилганидан кейин асоратлар пайдо бўлган ҳолатларда, ушбу серияни ишлатиш бекор қилинади ва у ҳақида ветеринария дори воситаларини ва ем қўшимчаларини сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон давлат лабораториясига (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Усманов кўчаси, 100) ва препаратни ишлаб чиқарувчига хабар берилади.
Ветеринария дори воситаларини ва ем қўшимчаларини сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон давлат лабораториясига бир вақтнинг ўзида, асоратларни батафсил таърифи билан ҳайвонларда асоратларни келтириб чиқарган препарат серияси намуналари юборилади.

Ishlab chiqaruvchi:
O'zbekiston-Buyuk Britaniya-Rossiya Qo'shma Korxonasi
«O'ZBIOKOMBINAT» MChJ
140532, O'zbekiston Respublikasi,
Samarqand viloyati, Pastdarg'om tumani,
«Namuna» QFY, O'rta - Charxin mahallasi,
Tel: +998 (95) 500 8161
Sotuv bo'limi: +998 (95) 509 0500
www.biokombinat.uz
info@biokombinat.uz

TS 00483044-57:2018

biveco®
biveco.com